Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 17 апрель чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 81 (2909)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

13 март, чоршанба куни Нью-Йоркда «Биер Хагола» ташкилотининг дастури бошлангунига қадар Сиз билан шахсан учрашганим менга катта мамнуният бахш этди. Мулоқотимиз чуқур илиқлик билан хотирамда қолажак. Мен, шунингдек, Сизга хайрихоҳлигингиз ва олийжаноблигингиз учун миннатдорлик билдираман ва Сиз билан яна учрашиш имкониятини интизорлик билан кутиб қоламан.

Қизғин тилаклар билан,

**Генри А. КИССИНЖЕР.**



Нью-Йоркдаги учрашув.

# ҚУЙИ ЧИРЧИҚНИНГ «ҚУВА»СИ



*Тошкент вилоятининг «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалигида «Қува» фермер хўжалиги бор. Уни кўпчилик «Қуйи Чирчиқнинг «Қува»си, дейишади. Сабаби — Фарғона вилоятидаги Қува тумани 1-2 килограмм тош босадиган анорлари билан машҳур бўлса, бу фермер хўжалигининг 8 гектарлик боғида ҳар йили олма, олхўри ва шафтоли каби анвойи мевалардан мўл ҳосил етиштирилмоқда.*

*— Жорий йилда пахтачилик ва ғаллачилик соҳаларида ҳам ўзимизни синаб кўришга аҳд қилдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Одилжон Мақсудов. — Шу мақсадда 5 гектар майдонга чигит экдик, ниҳоллар кўзга ташланиб қолди. Кузда буғдой сепилган 2 гектар ердаги майсалар эса ҳозирга қадар икки марта ўғитланганлиги туфайли бугун барқ уриб ўсаяпти. Демак, бу йил мўлжалдагидан кўп пахта ва ғалла йиғиштириб оламиз.*

**СУРАТЛАРДА: фермер Одилжон Мақсудов ғаллазорда; ҳадемай бу боғдаги ҳар бир дарахтнинг шохлари мевалардан ларзон бўлади.**



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

***ФАРМОНИ***

**Н.С.Юсуповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Агросаноат комплекси раҳбари этиб тайинлаш тўғрисида**

Носиржон Собирович Юсупов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Агросаноат комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 апрель.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

***ФАРМОНИ***

**Т.Холтоевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Агросаноат комплекси раҳбари вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

Туроп Холтоев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Агросаноат комплекси раҳбари вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 апрель.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

***ФАРМОНИ***

## Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида

Мамлакатимизда профессионал мусиқа санъатини янада ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, мусиқий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, соҳа тараққиёти учун лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқий таълимнинг барча йўналишлари бўйича таянч олий ўқув юрти деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон давлат консерваторияси бинолар мажмуидан самарали фойдаланиш мақсадида Маданият ишлари вазирлигига қарашли Дирекция ва унинг таркибида консерваториянинг концерт залларини ўз ичига олган “Мусиқа саройи” ташкил этилсин.

3. Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги тузилмаси, Низоми, унинг таркибида Эстрада санъати факультети, Иқтидорли болалар академик лицейи, Илмий-тадқиқот маркази, “Мусиқа” нашриёти ва бошқа бўлинмаларини ташкил этиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармон ижроси юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

5. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султоновга юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 апрель.

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

***Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, тегишли вазирлик, қўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.***

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Байрам тантаналарига тайёргарлик жараёни ва бу борада жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, маданият ишлари вазири Х.Жўраев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Қурбонов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиев, режиссёр Р.Ҳамидов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидланганидек, истиқлолимиз янги ўн йиллигининг биринчи йили хайрли бошланди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделимиз, шиоримизга айланиб кетган “Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар инсон учун” тамойилини янада тўлароқ рўёбга чиқариш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди. Инсон манфаатини таъминлашнинг мантиқий давоми сифатида жорий йил “Қарияларни қадрлаш йили” деб эълон қилинди.

Юртимиз бўйлаб бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйди. Дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан бири - ўтмиши шарафли, келажаги буюк Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди. Энди эса жаҳон тарихи ва маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутган яна бир қадимий шаҳримиз - Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини кенг байрам қиламиз.

Давлатимиз раҳбарининг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи халқаро муносабатларимизда янги саҳифа очди, юртимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори янада ортди. Олий Мажлиснинг

(Давоми 2-бетда).

*Жиззах вилоят ҳокимлигида чигит экишнинг бугунги аҳволи, ғалла майсаларини парваришлаш ва ўрим-йиғим техникасини мавсумга тайёрлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

## Чигит экиш кечикмасин

Унда туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалигига алоқадор вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Вилоятда об-ҳавонинг серёғин келиши оқибатида чигит экиш ишлари кечикмоқда. Бугунги кунгача мавжуд 115,5 минг гектар пахта майдонининг 48 фоизига чигит қадалган, холос. Зомин, Зарбдор, Зафаробод, Жиззах туманларида бу борадаги ишлар қониқарсиз ташкил этилган.

Вилоятда ғалла майсаларини парваришлашга жиддий эътибор қаратилган. Мавжуд 178 минг гектар майдондаги экин яхши ўсмоқда. Аксарият майдонларда экинлар агротехника қоидаларига мос равишда парвариш этилмоқда. Шу билан бирга айрим хўжаликларда ғалла парваришига эътибор суст, агротехника қоидаларига қатъий риоя этилмаётир.

Йиғилишда, шунингдек, ўрим-йиғим техникасини мавсумга ҳозирлаш борасида фикрлашиб олинди. Кўрилган барча масалалар юзасидан долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими У.Яманқулов қатнашди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

**Олий Мажлисда**

***Маълумки, юртимизда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми ва шу асосда давлат ҳокимияти тизимидаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши мамлакатимиздаги кенг қамровли ўзгаришларни янги босқичга кўтарилганлигининг яна бир далили бўлди.***

## Давра суҳбати

Айни пайтда Олий Мажлисни икки палатали парламентга айлантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Чунки мамлакатимизда 2004 йилга қадар бу борада янги қонунлар ишлаб чиқиш, мавжудларига ўзгартириш киритишга тўғри келади. Кеча Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида «Икки палатали парламент — хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам ана шу хусусда бўлди.

Унда қатнашган АҚШ, Германия, Франция, Россия, Чехия каби кўплаб хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчихона вакиллари ўз мамлакатлари парламентчилиги, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

Давра суҳбати чоғида жаҳон парламентчилиги тажрибаси, хусусан, ҳар икки палата мавқеи ва ваколатлари, иш тартиби, шаклланиши, қонун чиқарувчи органда сиёсий партия фракцияларининг роли мавзуидаги масалалар юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Анжуманда ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги маркази раҳбари Г.Ганчев иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Депутат минбари**

**Энергия ресурслари:**

# ТЕЖАМКОРЛИК

### иқтисодиётнинг устувор йўналиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган мажлисда Президент Ислом Каримов ҳозирги пайтда мамлакатимизда энергия ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни тежаш қониқарсиз аҳволда эканлигини таъкидлаб ўтганди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги пайтда энергия ресурсларидан фойдаланиш қандай аҳволда? Саволга жавобни фактларни таҳлил қилишдан изласак, хулоса тўғри бўлади.

Республикамизда 1 йилда 45 миллиард квт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу энергиянинг 85 фоизи иссиқлик электр станциялари, 15 фоизи гидроэлектр станциялари ҳиссасига тўғри келади.

Иссиқлик электр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш учун бир йилда 16 миллион тонна шартли ёқилғи ёқилади. Агар буни ёқилғи турлари бўйича қарайдиган бўлсак, бу рақамнинг 84 фоизи табиий газ, 12 фоизи нефть ва 4 фоизи кўмир хом ашёларига тўғри келади.

(Давоми 2-бетда).



## Сессиядан кейинги ўйлар

***2001 йилнинг якунловчи ойида Олий Мажлис сессияси бўлган ва унда парламент ўз халқига мамлакат тараққиёти учун бениҳоя муҳим, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига бевосита дахлдор саволлар билан мурожаат этиш бўйича қарор қабул қилганди. 2002 йилнинг 27 январида умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Аввало, шуни айтиш кераки, бу тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури янада ошди, айни пайтда демократиянинг қандай куч эканлиги ёрқин намоён бўлди.***

# ТАРИХ МУҲРИ

Парламент ўзининг VIII сессиясида ана шу референдум берган хулосаларни кўриб чиқди. Марказий сайлов комиссиясининг раиси депутатларга умумхалқ овоз бериш натижалари юзасидан расмий ахборот берди. Олий Мажлис умумхалқ референдумининг натижалари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалаларни батафсил муҳокама қилди ва «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Конституциявий қонунни қабул қилди. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: нега энди бу қонунга «Конституциявий» деган сифат берилди? Президентимизнинг сессиядаги маърузасида бу масалага шундай аниқлик киритилган:

**«Бу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб — муҳрлаб беради ва асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлади».**

Ҳақиқатан ҳам, референдумдан мақсад яккаш халқнинг фикрини билиш эмас, айни пайтда олинган натижалар асосида қонунчилигимизда навбатдаги қадамларни қўйиш ҳамдир.

Референдумда қўйилган иккита савол, яъни келгуси чақириқдан бошлаб парламентимизни икки палатали қилиб ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш бўйича ижобий жавоб қилган ҳар бир овоз берувчи айни пайтда мамлакатимизда демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўлига бажонидил қўшилишини, Ватанимиз келажагига астойдил ишонишини билдирди. Модомики халқимиз шундай хулосага келган экан, табиий равишда кейинги қадамни қўйиш керак. Парламент худди шу мақсадда умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қоидаларни ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишларни белгиловчи Конституциявий қонунни қабул қилди. Бу фикрлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг 1-моддасида муҳрланди.

Конституциявий қонун бундан буён яратилиши ва қабул қилиниши керак бўлган янги қонунлар олдига принципиал талаблар ҳам қўйди. 2-моддада ушбу талаблар ўз ифодасини топган. Амал қилиниши муқаррар вазифа шундан иборатки, барча поғонадаги ҳокимият — қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари ўртасида мувозанат ва уйғунлик, ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллиги таъминланмоғи зарур. Демократик давлат барпо этишнинг ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий талабларидан бири шу. Қонун ҳужжатларини такомиллаштирар эканмиз, жамиятимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари таъминланиши асосий талаб бўлиб қолади.

Яна бир принцип сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштиришдир. Бусиз Ватанимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини тасаввур этолмаймиз. Шундай савол қўяйлик: давлат қачон кучли? Давлат иқтисодий қудрати билан кучли. Иқтисод қачон кучли бўлади? Қачонки, у эркин бўлса. Бунинг учун нима қилиш керак? Тўсиқларни олиб ташлашимиз талаб қилинади. Бу вазифаларнинг амалга оширилишини таъминловчи дастаклар янги қонунларимизда ифода этилиши керак. Фуқаролик жамияти ўз-ўзидан шаклланавермайди. Бу мақсадга эришиш учун, аввало, унинг талабларини англаб олишимиз керак. Конституциявий қонун нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш зарурлигини алоҳида уқтиради. Яшириб нима қиламиз, нодавлат ташкилотлар фаолияти, уларнинг интилиши ҳаммавақт ҳам оммавий ахборот воситалари эътиборида эмас. Бундай ташкилотлар негизида янги партиялар ташкил топиши мумкин. Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида ўз қарашлари ва интилишлари бўлган демократик институтлар нималарга қодир эканлиги намоён бўлиши учун кенг имкониятлар туғдириш лозимлиги ушбу қонунда кўрсатилган.

Жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш зарурлиги Конституциявий қонунда алоҳида таъкидланган. Хўш, бунга қандай эришилади? «Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қуйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади». Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон кучли давлатга эга бўлди. Эндиги вазифа кучли жамият қуришдан иборат. Конституциявий қонун бу вазифанинг асосий шартларини ўзида ифода этган.

3-модда сайловларнинг муддатларини белгилаб берган. Унда ёзилишича, эндиликда юртимизда қайси миқёсда бўлмасин, сайлов ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кунликнинг биринчи якшанбасида ўтказилади. Гап шундаки, кўпгина демократик давлатларда сайлов ўтказишнинг аниқ муддати белгилаб қўйилган. Масалан, Америка Қўшма Штатларида сайловлар ҳамма вақт ноябрь ойида ўтказилади. Бундай фикрга ўз-ўзидан келинмаган, албатта. Агар сайлов муддати қонун йўли билан аниқ-равшан белгилаб қўйилса, ҳеч ким уни бирор манфаат йўлида ишлатолмайди, яъни субъектив ҳолларнинг олди олинади. Маълумки, декабрь хўжалик йилини ҳам якунлайди. Бу даврга келиб кўзда тутилган юмушлар адо этилган, янги режалар белгиланаётган бўлади. Шундай бир пайтда кўнгилни тўқ қилиб сайловда иштирок этиш мумкин.

Олий Мажлиснинг қандай палаталардан ташкил топиши 4-моддада ифодаланган. Маълум бўлишича, келгуси сайловдан кейин парламент яхлит ҳолда Олий Мажлис (АҚШда Конгресс дейилгани каби) деб аталади. 5-6-моддаларда эса икки палата — Қонунчилик ва Сенатнинг ҳуқуқий мақомлари белгилаб берилган. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади. Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади. Сенат аъзолари 14 та ҳудуднинг ҳар биридан олти кишидан, яъни 84 нафари маҳаллий кенгашлар томонидан сайланади. Қолган 16 нафар сенатор фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республика Президенти томонидан тайинланади. Ҳа, эл-юрт ҳурматини қозонган, Президентнинг муборак назарига тушган мўътабар ватандошларимиз сенаторлик шарафига муносиб кўрилишини, бу халқимиз қалбида қандай ғурур уйғотишини ҳозирдан тасаввур этишимиз мумкин. Конституциявий қонунда ана шу қоиданинг белгилаб қўйилиши доно халқимиз қадрияти ва тафаккурига жуда-жуда мос келади.

Албатта, Конституциявий қонунда парламентимизнинг янги таркибига ва вазифасига доир ҳамма қирралар тўлалигича акс этмаган. Зеро, Конституцияга киритиш учун мўлжалланган асосларда барча жиҳатларни кўзда тутиб бўлмайди. Бу борада бир қанча қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси ҳали олдинда. Лекин, шу нарса аниқки, кенг миқёсда бошланган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва кучайтиришга доир режаларимиз бўйича халқимизнинг фикрини аниқлаб берган референдум натижаларидан келиб чиқиб, қабул қилинган ушбу Қонун тарихий ишларимизни ифодаловчи муҳр бўлиб қолади.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

саккизинчи сессияси ижтимоий-сиёсий турмушимизда туб бурилиш нуқтаси бўлди. Юртбошимизнинг сессиядаги маърузасида мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами тантаналари ана шу юксак руҳда, ҳар галгидан ҳам кўра жозибали, кўтаринки, шукуҳли, бетакрор ва томошавий ўтиши, унда амалга оширилаётган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларимизнинг сиймолари бадиий лавҳаларда акс эттирилиши лозим. Зеро, ҳар бир байрам баҳона санъатимизнинг янги қирралари намоён бўлади, янги-янги истеъдодлар кашф этилади, байрам мазмун-моҳиятига мос замонавий кўй-қўшиқлар, жозибали рақслар, ранг-баранг томошалар яратилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги каби санъат жабҳасидаги ана шу ютуқларимиз ҳам жаҳон жамоатчилиги томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Мажлисда байрам сценарийсини яратишга алоҳида эътибор қаратиш, бу ишга ижодкорларни кенгроқ жалб қилиш, тантаналарда иштирок этувчи фольклор бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар ҳамда ёш эстрада гуруҳлари таркибини аниқлаш, дастурларини саралашга жиддий эътибор қаратиш кераклиги қайд этилди. Мардлик, жасорат ва ватанпарварликни мадҳ этувчи, баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилувчи, тинчлик ва осойишталик ҳамда бунёдкор халқимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий дастурлар яратиш устида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## Энергия ресурслари:
# ТЕЖАМКОРЛИК
## иқтисодиётнинг устувор йўналиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқаро энергетик йилнома (IEA) маълумотларига кўра, бирламчи энергия ресурслари нефть, газ, кўмир, тикланувчи энергия манбалари ишлаб чиқаришнинг ўсиши бўйича кейинги йилларда Ўзбекистон етакчи ўринларга чиқиб олди. Масалан, бирламчи энергия ресурсларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши жаҳонда ҳар йили 1,1 фоизни ташкил қилган бўлса, республикамизда бу кўрсаткич 4,79 фоизга тенг бўлди. Бу соҳада баъзи мамлакатлар, масалан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистонда кейинги йилларда ҳатто пасайиш ҳам кузатилади. Лекин амалда, Президентимиз таъкидлаганидек, асосий масала шундаки, моддий ресурслардан хўжасизларча, масъулиятсизлик билан фойдаланиш маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган материал ва энергия сарфининг ошишига, бу эса ўз навбатида, ана шу маҳсулот таннархининг қимматлашувига олиб келади.

Бундан хулоса шундайки, энергетикани ёнилғи энергетик ресурслари билан таъминлаш тизимида газ ва нефть ҳиссасини мумкин қадар камайтириш ҳамда ўта тежамкорлик тадбирларини қўллаш ва энергия ҳосил қилишнинг муқобил турларидан фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодиётининг энг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Бу соҳадаги ишларимизни яна бир жиҳатдан жиддий қайта ташкил этишга тўғри келади. Масалан, бизда ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига АҚШга нисбатан 6,4 марта, Японияга нисбатан 13,6 марта, Россия ва Қозоғистонга нисбатан 1,2 марта энергоресурслар кўп сарф бўлади.

Шу билан бир вақтда бир кишига тўғри келадиган истеъмол энергияси республикамизда АҚШга нисбатан 4,85 марта, Японияга нисбатан 1,35 марта, Россияга нисбатан 2,31 марта кам. Бу рақамлар ҳали республикамизда энергия тежамкорлиги бўйича кўп ишлар қилинишини зарурлигини кўрсатади. Бунинг учун ҳар бир корхона энергетик таҳлилдан ўтказилиб, 2010 йилгача бўлган даврда махсус энергия тежамкорлиги Дастури ишлаб чиқилиши лозимлигини мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги чиқишида уқтириб ўтди.

Иссиқлик электр станцияларининг кўмир ёқилғисига ўтиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда 2010 йилгача иссиқлик электр станцияларида ёқиладиган кўмир миқдорини 17 фоизгача етказиш мўлжалланяпти. Албатта, бунинг учун электр станцияларида, кўмир конларида йирик миқдордаги капитал маблағларни ўзлаштириш талаб этилади.

Энергетик тақчилликнинг олдини олишнинг асосий йўлларидан бири тикланувчи-муқобил энергия манбалари — сув, шамол, қуёшдан фойдаланишдир. Ривожланган мамлакатларда бу соҳага катта эътибор берилмоқда. Тикланувчи энергия ишлаб чиқариш АҚШда 76,9 миллиард квт.соат, Японияда 24,5 миллиард квт.соат, Финляндияда 7,8 миллиард квт.соатни ташкил этади.

Республикамизда муқобил энергия турларидан фойдаланишга эътибор қандай ва унинг қандай турларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади?

Маълумки, тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш учун республикамизда етарли хомашё базаси бор, имкониятлар ҳам мавжуд.

Биргина сув энергиясини оладиган бўлсак, республикамиздаги умумий гидроэнергетик қувват 7445 МВтга тенг бўлиб, йиллик ишлаб чиқариладиган электр энергияси 26,7 миллиард квт.соатни ташкил қилади. Бу эса бизга зарур бўлган электр энергиясининг 50 фоизидан ортиқ бўлиб, ҳозирги кунда унинг фақат 23 фоизи ишлатилмоқда, холос.

Республикамиз шароитида мини ва микро ГЭСлардан фойдаланиш катта самара беради. Кичик ГЭСларнинг афзаллиги шундан иборатки, уларни деярли ҳар қандай ирригация иншоотида, масалан, гидроузел, канал, сув омборларида қуриш мумкин. Бунда сув миқдорига, табиатга ҳеч қандай зарар етказмасдан электр энергиясини ишлаб чиқариш имкони туғилади.

Умуман, республикада фойдаланишга мўлжалланаётган 7,5 миллиард квт.соатга тенг гидро-энерго ресурслар ишга тушса, бу йилига 2,1 миллион тонна нефть маҳсулотини ёки 1,8 миллиард кув метр табиий газни тежашга имконият яратади.

Ривожланган мамлакатларда қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, айни пайтда, қуёш электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш, уйдан хоналарни иситиш мақсадларида фойдаланиш даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бизнинг ҳам бу борадаги имкониятларимиз беқиёс. Республикамиз шароитида 1 квадрат метр майдонга тўғри келадиган энергия миқдори 180-200 втга тенг. Демак, мамлакатимиз ҳудудига мос келадиган қуёш энергияси 90 миллиард квтни ташкил қилади. Бу эса ҳозирги пайтдаги барча электр станцияларимиз қувватидан 7600 марта кўпдир. Албатта, ҳозирги пайтда қуёш электр станцияларидан олинадиган энергия анъанавий усулда олинаётган энергия таннархидан 20-30 баравар қимматга тушади. Арзон қуёш энергияси билан таъминлай оладиган замонавий технологиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Бизнинг ҳудудларимизда шамол энергиясидан фойдаланиш учун етарли имкониятлар мавжуд. Кўпгина мамлакатларда шамол электр станцияларидан самарали фойдаланилмоқда. Ҳозирги пайтда жаҳондаги шамол электр станцияларининг умумий қуввати 2,5 миллион квт. дан ошиб кетди.

Мутахассислар фикрича, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг энг мақбул усули — бу, ҳар бир муайян ҳудуд учун анъанавий ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ўз ичига олган локал энергия ишлаб чиқариш тизимини яратиш истиқболли ҳисобланади. Бу тизим ҳар бир энергия манбаидан фойдаланиш вақти ва миқдори, улар орасидаги энг қулай ўзаро боғлиқлик тартибини белгилаб беради. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган электр энергияси таннархининг камайишига олиб келади.

**Муродилла НОРМУРОДОВ,**
**Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, профессор, Олий Мажлис депутати.**




Қимматли қоғозлар бозори

## Фонд биржаси:
# сармоя жалб этишнинг мақбул усули

***Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори шаклланиш босқичидан ривожланиш сари дадил одимлай бошлади. Эндиги асосий вазифа фонд бозорига аҳолининг кенг қатламларини кўпроқ жалб этиш, уларнинг акциялар олди-сотди савдоларидаги иштирокини таъминлашдан иборатдир. Негаки, бугунги кунда дунё фонд бозорларида кунлик биржа айланма маблағларининг аксарият қисми жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келмоқда.***

## Ютуқ ва муаммолар

Айни пайтда барча вилоятларда ўзининг ҳудудий бўлимларига эга бўлган Фонд биржасида кунига 30 миллион сўмликдан зиёдроқ миқдорда биржа битимлари имзоланмоқда. Бу, албатта, халқимизнинг қимматли қоғозларга бўлган ишончининг тобора орта бошлаганидан далолатдир. **Биргина ўтган йили биржанинг бирламчи ва иккиламчи бозорларида турли ташкилотларнинг 8 миллиард сўмликдан зиёд акциялари сотилганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир.** Албатта, бу қувонса арзийдиган ютуқ. Аммо дунё тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, биржа оборотини бундан ҳам ортиқроқ миқдорда ошириш имкониятлари мавжуд. Бироқ бу масалани амалга ошириш учун, аввало, биржа олдида турган бир қатор муаммоларни ҳал этиш зарур бўлади. Жумладан, **юридик мақомга эга бўлган айрим брокерлар эмитентлар билан ўзаро келишган ҳолда биржадан ташқари савдо битимларини тузаётганликлари кишини ташвишга солади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай ноқонуний битимлар қимматли қоғозлар нархининг ўзгармаслигига, биржа котировкасида қайд этилмаслигига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида эмитентларнинг қонун талабларини четлаб ўтишига, солиқ тўловларини яширишига ва акция эгаларининг эса қимматли қоғозларга бўлган ишончини сўндиришга олиб келади.** Агар бу борада бир қатор ривожланган давлатларнинг фонд биржалари фаолиятига назар соладиган бўлсак, уларда биржадан ташқари бўладиган битимларга бутунлай чек қўйилган. Ҳаттоки бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар қонун билан тақиқланган. Ҳозирда бундай қоида дунёнинг барча давлатларида амал қилмоқда.

Шундай экан, арзимас солиқ тўлаш, жамоага дивиденд беришдан бўйин товлаб, савдо битимларини биржа котировкаларида қайд этмаслик корхонанинг эртанги келажагига бефарқ қарашликдан бошқа нарса эмас.

## Инвесторлар учун янги имкониятлар

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, мамлакат иқтисодиётига фонд биржалари орқали сармоя жалб этиш энг қулай усуллардан ҳисобланади. Чунки инвестор биржа орқали исталган корхона, ташкилот тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиш билан бир қаторда унга қандай технологиялар зарурлигини тезда илғаб олиши мумкин. Шу мақсадда яқинда биржада инвесторлар учун махсус листинг майдончалари ташкил этилди. Бу сармоядорларни қизиқтирган корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиш ва уларнинг акцияларини харид қилиш имконини бераётир. Бу ерда республикамизнинг энг сара корхоналари ҳам ўз ўринларига эга бўлиб, улар хорижликларга ўзларининг акцияларини тавсия қилмоқдалар. Биржа маъмурияти эса уларни савдо майдончалари учун тўланадиган бадаллардан озод этган.

Бундан ташқари, биржада **"видеолистинг" кўргазмасини "Интернет" орқали узатиш ҳам йўлга қўйилган. Унда хорижлик инвестор уйидан туриб, Ўзбекистондаги истаган корхона ва ташкилотнинг ҳудудидан тортиб, молиявий аҳволигача бўлган маълумотларга эга бўлиши мумкин.** Ҳозирданоқ бунинг учун зарур бўлган ҳужжатлар тўплами компьютерларга жойлаштирилмоқда. Келгусида эса ҳиссадорлик жамиятларининг акцияларини кенгроқ реклама қилиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни кўпроқ тарқатиш учун бир қатор давлатларда биржа вакиллигини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

## Жисмоний шахсларга имтиёзлар

Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг фонд биржалари кунлик савдо котировкаларини биргина матбуот орқали бериб бориш билан чекланиб қолишганича йўқ. Шу боисдан бўлса керак, акция олди-сотди савдоларига оид маълумотларни киоскаларда, қаҳвахона, бар ва бошқа жамоатчилик гавжум бўлган жойларда ҳам учратиш мумкин. Бундан мақсад аҳолини акциялар нархидан хабардор қилиб туришдир. Ўтган йилдан бошлаб республика "Тошкент" Фонд биржаси раҳбарияти ҳам ҳафталик биржа савдоси котировкаларини матбуот орқали бериб боришни йўлга қўйди. Шунингдек, **бўлаётган савдоларда биргина брокерлар эмас, балки барча ёшдаги жисмоний шахслар иштироки ҳам таъминланди.** Савдода илк маротаба қатнашаётган шахсларга, аввало, олди-сотди жараёнларининг қоидалари хусусида тўлиқ тушунча берилмоқда. Мана шу ишларнинг самараси туфайли бугунги кунда жисмоний шахслар олди-сотди савдоларида бемалол қатнашиб, етарлича кўникма ҳосил қилишаяпти. Уларнинг кўпчилиги ҳатто яхшигина даромад эгаси бўлишмоқда.

Шу билан бирга, биржада аҳолини даромад топишнинг бундай замонавий усулига кенгроқ жалб этиш мақсадида биржада **"Бонус" деб номланган янги ўйин тури ҳам ташкил этилди. Ҳар бир киши 10 минг сўмлик акция харид қилгандан сўнг ўйинда иштирок этиши ва дурустгина пул ютуқ эгаси ҳам бўлиши мумкин.**

**Мухтасар қилиб айтганда, акция олган киши ҳечам янглишмайди. Сабаби — сиз уни сотишингиз ёки мунтазам равишда дивиденд эгаси бўлишингиз мумкин. Ёки биронта банкнинг акциясини харид қиладиган бўлсангиз, кредит олиш имкониятига ҳам эга бўласиз. Акция харид қилаётганда, албатта, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг қимматли қоғозларига эътибор қаратинг. Мабодо уларнинг акциясини қанчалик кўп сотиб олсангиз, эртанги келажагингиз учун шунчалик кўпроқ замин яратган бўласиз. Чунки мазкур корхона биронта инвесторга сотиладиган бўлса, қўлингиздаги акциянгизнинг нархи янада ошади. Негаки, инвестор ушбу корхонанинг акциясини биржадан эмас, айнан сизнинг қўлингиздан харид қилади-да. Бу эса сизга мўмайгина даромад келтиради.**

Кўриб турибсизки, бу масалада юртдошларимиз учун ҳар бир дақиқа ғаниматдир. Омадингизни берсин!

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти Минг Ҳёнг Ки раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки томонлама алоқалар ривожида, хусусан, таълим, тиббиёт, ижтимоий соҳадаги турли қўшма дастурларни амалга оширишда агентлик фаолияти алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди.

1991 йилда Корея Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида тузилган мазкур ташкилот асосан мамлакатнинг ривожланаётган давлатлар билан турли соҳалардаги ҳамкорлигини рағбатлантириш билан шуғулланади. Ҳозирги кунда у дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида фаолият юритади. KOICAнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1995 йилда очилган.

Ташқи ишлар вазирлигидаги учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

**(ЎзА).**

# ЗАРАФШОННИНГ ЗАР БУЮМЛАРИ

***Зарафшон шаҳридаги "Олтин водий" маданият саройида "Зариспарк" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда корхона фаоллари, шаҳар жамоатчилиги, хорижлик меҳмонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

Маълумки, кўп тармоқли Навоий кон-металлургия комбинати мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса, кейинги йилларда корхона салоҳияти янада юксалди. Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушди. Зарафшон шаҳрида ичимлик сувини сузғичлаб берувчи йирик насос станцияси фойдаланишга топширилди. Нурободда поливинилхлорид қувурлари ишлаб чиқариш заводи, Италиянинг "Морденти" фирмаси билан ҳамкорликда мармар плиталари ишлаб чиқариш автомат линияси маҳсулот беряпти. Шунингдек, маданий-маиший иншоотлар қурилиб, комбинат ишчи-хизматчиларининг турмуши фаровонлашиб бораётир.

Зарафшон шаҳридаги Мурунтов конидан жаҳон бозори талабига мос энг олий нав олтин қазиб олинади. Ана шу олтинни қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулот тайёрлаш шўро замонларида эътибордан четда эди. Ниҳоят, республикамиз мустақилликка эришгач, Американинг "Евротрейд Интернэшнл ЛТД" компанияси билан ҳамкорликда заргарлик буюмлари заводи қурилиши бошлаб юборилди. Шу тариқа 1992 йил 2 апрелда "Зариспарк" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил этилди. Чет элдан малакали мутахассислар таклиф этилиб, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Орадан бир йил ўтгач, завод маҳсулот бера бошлади.

Ўтган вақт мобайнида завод катта иқтисодий кўрсаткичларни қўлга киритди. Хусусан, кейинги икки йилда заводда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги икки баравар ўсди. Ўтган йили тилла буюмлари экспортидан комбинат 6,5 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда кўрди. Бугунги кунда корхонада Италия, Германия, Канада, АҚШ, Англия, Россия, Украина давлатларининг замонавий технологиясидан фойдаланилмоқда.

Завод жамоаси 1998 йил Мехикода бўлиб ўтган Бутунжаҳон кўргазмасида сифат сертификатини олган бўлса, 2000-2001 йилларда Москва, Ереван шаҳарларида ўтказилган кўргазмаларда ҳам биринчи даражали дипломлар билан тақдирланди. Ҳозирги пайтда бу ерда тайёрланаётган тилла тақинчоқлар, совғабоп тилла буюмлар дунёнинг деярли барча давлатларига экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг 20 дан ортиқ шаҳарларида махсус фирма дўконлари ва заргарлик буюмларини таъмирлаш устахоналари ишлаб турибди.

Тантанали маросим сўнгида бир гуруҳ ишчи-хизматчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Маданият саройи бадиий жамоалари ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# «ПОТОК»: ДАЛАДАН ДАСТУРХОНГАЧА

*Бундан икки йил муқаддам Зарафшон шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш мақсадида «Поток» артели ташкил этилган эди. Бугун корхона кўп тармоқли ҳисобланиб, унинг 155 гектар ер майдони, 1,5 гектар иссиқхонаси бор. Айни пайтда жамоа зарафшонликларни гўшт, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминламоқда. Ўтган йили 53,3 миллион сўм соф фойда олди.*

*Ҳозир корхона фермасида 450 бош қорамол, 3300 бош чўчқа парвариш қилинмоқда. Иссиқхона ҳам мавжуд бўлганлиги боис йилнинг исталган пайтида бодринг, помидор, лимон каби турли хил нознеъматлар аҳоли дастурхонини безаяпти. Артель ўтган йил якунлари бўйича республика «Ташаббус» кўрик танловида фермер хўжаликлари орасида учинчи ўринни олди.*





**СУРАТЛАРДА: илғор сут соғувчи Майсара ЭРГАШЕВА; иссиқхона ишчиларидан бир гуруҳи.**

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Халқаро кўргазма очилади

Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида шу йилнинг 23-25 апрелида соғлиқни сақлашга оид ихтисослашган халқаро кўргазма очилади. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида кеча бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди.

Кўргазмага 30 дан ортиқ давлатларнинг тиббиёт соҳасига тегишли компаниялари қатнашишлари кутиляпти. Жумладан, АҚШ, Германия, Франция, Швейцария, Финляндия, Исроил ва Россия давлатлари кўргазмада ташхис қўйишнинг сўнгги замонавий усулларида қўлланиладиган, тана аъзоларини кўрадиган компьютерлар, ультратовуш ва рентген аппаратларини намойиш этади. Кўзга кўринган фирмаларнинг олий тоифали мутахассислари янги тиббиёт технологиялари ҳамда тиббиётни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳақида керакли маслаҳатлар беришади.

Кўргазмани уюштиришда Буюк Британиянинг ITE компанияси ва унинг Марказий Осиёдаги шериги «Ateso Osiyo» компанияси республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Тибмаҳсулот» акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик қиляпти.

Мамлакатимиздаги «Тибмаҳсулот» акционерлик жамияти ҳам 250 хилдан ортиқроқ тиббиёт маҳсулотлари билан ушбу халқаро кўргазмада қатнашишни режалаштирган.

**Муфтилло ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Гавжум майдончалар

**Самарқанд шаҳрининг кўп қаватли уйлар жойлашган қай бир мавзесига борманг, гавжум майдончаларга кўзингиз тушади. Гап шундаки, бу мавзеларда шаҳар архитектурасига зид айрим бинолар, машина гаражлари бузиб ташланиб, ўрнига болалар майдончалари қурилмоқда. Автомашиналар учун эса махсус майдонлар ажратилди. Айни кунларда шаҳарнинг Тонг, Машъал, Қадрият сингари ўнлаб маҳаллаларида ана шундай ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.**

*Луқма*

# Мебелсознинг боғи қачон кўкаради?

«Шўрчимебель» ҳиссадорлик жамиятида 2001 йилда 45 миллион 347 минг сўмлик парта ясалиб таъмирланган. Йил давомида эса 58 миллион сўмлик иш бажарилган. 3 гектар ер ва яна алланача асосий воситаларга солиқ тўлаб турган қирқ кишилик корхона учун бу, албатта, кам.

— Корхонамизнинг йил — ўн икки ойда ишлаб чиқарган маҳсулоти вилоятимиз аҳолиси эҳтиёжини қондириш у ёқда турсин, ўртача мебель дўконининг омборини ҳам тўлдиролмаса керак, — дейди жамиятнинг иқтисодчиси Қобилжон Ғаниев.

Иқтисодчи ва ҳисобчидан корхонанинг қуввати ҳақида сўровдик, икковлариям бирбирларига қараб елка қисишди. Дивиденд ҳақидаги саволимизга ҳам жавоб шу йўсинда бўлди. Сўнг икковлари жўр бўлиб. «Янги йилнинг феврал ойида ишламадик. Чунки хомашё йўқ», — дейишди.

— Бу йил бир миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирдик, — деди кейин Қобилжон Ғаниев. — Имкониятми? Топиш керак ўша имкониятни. Имкониятни топиб ишлайдиганлар керак энди. Фабриканинг боғи ана шунда кўкарар...

Иқтисодчи тўғри гапни айтди. Бундан уч-тўрт йил аввал мактаблар учун парта ишлаб чиқариш шўрчилик мебелсозларнинг эзгу орзуси эди. Халқ таълими ва касб-ҳунар таълими бошқармаларининг буюртмаларини бажариб борсак, ишимиз ўнгланиб кетар, дейишганди. Гапимизни партадан бошлаганимизнинг сабаби — шу. Лекин кўриб турганингиздек, партасозлик билан ҳам корхонанинг косаси оқармайдигандай, «Ҳолва» деган билан оғиз чучимайдида. Мебелсоз дегани мебель бозори конъюктурасини ўрганиши ва шунга яраша иш тутиши, ҳеч бўлмаса, ҳунарманд дурадгорларга бўйлашиб ишлашни ўрганмоғи керак.

Ана шунда уларнинг боғи кўкарар, кўкармасдан қолмас.

**О.УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲИКМАТ

*Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.*

**Янги спектакль**



**Ўзбекистон Давлат Миллий академик драма театри саҳнасидаги «Қаллиқ ўйин» спектаклини томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Пьеса муаллифи «Чимилдиқ»ни ёзган Эркин Хушвақтов, саҳналаштирувчи режиссёр «Чимилдиқ»ни саҳналаштирган санъаткор Турғун Азизов. Муаллиф ва режиссёр ижодий ҳамкорликнинг навбатдаги босқичида ҳам ўз услублари, ўз изланишларига содиқ қолганлар. «Қаллиқ ўйин»да ҳам халқимизнинг унут бўлаёзган миллий урф-одатларининг катта меҳр-муҳаббат ила тикланиши, ҳам кулдирадиган, ҳам ўйлантирадиган саҳнавий хатти-ҳаракатлар одамларнинг ҳаётий ва бадиий ишонарли табиатлари орқали жонлантирилган.**

# Жозибали комедия

Ҳар икки саҳна асарида ҳам кўпни кўрган меҳрибон момоларимиз асрлар давомида турмуш қуришга аҳд қилган ёшларнинг бахтли бўлишлари учун синалган услублари билан курашиб келганликларини кўриб фақат қувониш мумкин. Момолар бош қўшган тўйлар, уларнинг мазмунли насиҳатлари асосида қурилган турмушлар мустаҳкам пойдеворли бўлганлиги янги давр ифода воситасида ҳозирги кунларимиз учун-да зарур.

«Чимилдиқ» спектаклида келин ролида Мадина Мухторова, куёв ролида Абдураим Абдуваҳобов ва Равшан Жўраев, Момо ролида Дилбар Икромовалар томошабинлар олқишини олишганди.

«Қаллиқ ўйин» спектаклида бундай ижодий омад яна Момо ролида Дилбар Икромовага, қаллиқ ролини ижро этаётган Муқаддас Шожалилова ва куёв ролидаги Тоҳир Саидовларга кулиб боқадиган кўринади... Ҳар ҳолда бу уч санъаткор кашф этган характерлар саҳнавий жозибага, индивидуал хусусиятларга эга.

Режиссёрлар Турғун Азизов билан Ҳамида Маҳмудова турли ёш ва турли йўналишларда бадиий изланишларни амалга оширишга мойил санъаткорлар бошини қовуштира олганлар. Бу режиссёрлик касбининг энг асосий унсурларидан эканлиги ҳаммага маълум. Актёрлик билан бир қаторда режиссёрлик иқтидорини кўп йиллардан бери намойиш этиб келаётган Т.Азизовнинг «Чимилдиқ» ва «Қаллиқ ўйин» спектакллари Миллий театр саҳнасида анча йиллар яшаб қолса не ажаб.

«Қаллиқ ўйин»ни ҳам «Чимилдиқ» каби халқчил комедия деб аташ мумкин. Халқчиллик хусусияти асар мазмуни ва бадиий ечимида кўринади. Одамзод пайдо бўлибдики, оила қуриш, оилавий бахт учун кураш ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. Ва ҳамма вақт одамлар ўз дунёқарашлари ҳамда маънавий ва моддий имкониятларига қараб оила қуриш муаммосини турлича ҳал қилиб келганлар. Эътиборли ва иккала асарни шу кунларимизга ҳамоҳанг қилувчи хусусияти шундаки, спектакллар диққат марказида қаҳрамонларнинг маънавияти ва дунёқарашлари ҳаёт имтиҳонидан санъат жозибаси ила олиб ўтилади. Ҳаётий имтиҳонларни эса турмушнинг аччиқ-чучукларини кўрган доно ва оқила момоларимиз ташкил қиладилар.

Ҳар иккала спектаклда дастлабки қарашда бир-бирига зиддек кўринган инсоний табиатлар кулгили, юморга бой ва ҳаётда ҳар қадамда учраши мумкин бўлган ҳолатлар воситасида бу келин-куёвлар аслида узукка кўз қўйгандек бир-бирига мос эканлиги аён бўлади.

Мазкур спектакллар хусусида театр мухлислари, оддий томошабинлар ва театр соҳасининг билимдонлари орасида турлича фикр-мулоҳазалар мавжуд. Театр мухлислари ва томошабинлар «Чимилдиқ» икки юз мартадан ошиқ қўйилишига қарамай, ҳамма вақт ўз ихтиёрлари билан чипта сотиб олиб театр залини лиқ тўлдириб ўтиришибди. Ҳойнаҳой, «Қаллиқ ўйин»ни ҳам шундай тақдир кутадиган кўринади. Театр билимдонларининг айримлари спектакллар муваффақияти тагига етолмай ҳайрон бўлишса, баъзиларининг таъбирига кўра пьесалар Академик театр табиатига тўғри келмасмиш (тоши енгилроқмиш). Бундай қарашлар бир неча пьесалар ёзиб, театр қонуниятларини биламан деб ўйлайдиган айрим қалам тебратувчиларда ҳам учраб туради. Ваҳоланки, театрнинг қонунияти бор-йўғи биргина — у ҳам бўлса ўйин, актёр ижроси. Шарти ҳам битта — зерикарли бўлмасин, фикрлари томошабинларнинг барчасига тушунарли бўлсин.

Бозор иқтисоди шароитида санъат оламида ҳам «маҳсулот» — фильм, спектакль, қўшиқ рақобатбардош бўлиши шарт. Ўйлаймизки, юқоридаги икки спектакль бунга тўла жавоб бера олади. Чунки унда миллий жозиба бор. Отахон санъаткор Зикир Муҳаммаджонов, артистлар Рустам Каримов, Рихсивой Авазов, Саида Раметова, Зуҳра Ашурова, Раъно Ярашева, Шоҳида Исмоиловалар «Қаллиқ ўйин»да иккинчи даражали персонажларда ҳам мўъжизали образлар кашф этиш мумкинлигини намоён қилишлари эса мавжуд



жозибани янада кўркамлаштириб, мукаммаллаштириб турибди.

**Тоир ИСЛОМОВ,**
**санъатшунос.**
**СУРАТЛАРДА:**
**спектаклдан лавҳалар.**

## Кўргазма

### «11 сентябрдан кейин: фожиа марказидан суратлар»

Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида АҚШ Давлат департаментининг Таълим ва маданият бўйича бюроси ҳамда Нью-Йорк шаҳар музейи томонидан Жоэл Мейеровиц фотосуратлари асосида «11 сентябрдан кейин: фожиа марказидан суратлар» номли кўргазма очилди.

Гугенхайм стипендиати ҳамда NEA ва NEH мукофотлари совриндори, жаҳонга машҳур фотосуратчи Жоэл Мейеровиц АҚШда содир бўлган мудҳиш воқеаларнинг тасвирий «тарих»ини яратди. Кўргазмадан ўрин олган суратларда осмонўпар эгизак биноларга қилинган террористик ҳужум келтирган вайронагарчилик оқибатлари, ҳалок бўлганлар хотирасига кўрсатилган эҳтиром, фидойи қутқарувчиларнинг фаолиятлари, тиклаш бўйича қилинган ва қилинаётган ишлар акс эттирилган.

Жоэл Мейеровицнинг маҳорати шундаки, у инсоний фожиа ва қаҳрамонликнинг бутун моҳиятини кўрсата олган. Мозийнинг муҳим ҳужжатларига айланажак бу суратлар томошабин хотирасига михланиб қолади гўё.

**К.МИРЗААҲМЕДОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети 1-курс талабаси.**

## Ёднома

# Оқилжон аканинг юлдузи

Ўз мухлислари қалбидан жой олган ёзувчи жисман бор-йўқлигидан қатъий назар, руҳан тирикдир. Машҳур "Тоғда ўсган бола" асари билан адабиётимизда ўз ўрнини топган адиб номи минглаб адабиёт ихлосмандлари томонидан тилга олинар экан, уни мудом барҳаёт дейишга маънан ҳақлимиз. "Самарқанд булбули", "Меҳри дарёлар", «Бўлмаганга бўлишма», «Қашқар гўзали», "Гўрўғли қиссаси", "Бозор симобий" сингари ўнлаб асарлари билан мухлисларига маъқул бўлган камтарин адиб ҳақида ҳар қанча ифтихор ила сўз айтсак арзийди.

Юртимиз истиқлолини ўз умрининг чинакам баҳори, бекиёс бахти сифатида қарши олган Оқилжон ака сўнгги йилларда янада жўшқин туйғулар оғушида баракали ижод қилди.

Қуёш нурлари янглиғ бетакрор умримиз ҳам лаҳзалар сайин ўтиб кетаётганини сезмай қоламиз. Тириклик дунёсида қилган эзгу ишларимизнинг эса умри боқий бўлишигина таскин беради бизга. Зотан, Оқилжон ака бир асарида ёзганидек: "Инсон ҳаётининг мақсади, маъноси нима? Унинг мазмунини имкон даражасида безаш учун ҳар бир одам қандай саъй-ҳаракат қилмоғи лозим? Эзгу иш ва доно сўзни инсон умрининг боқийлиги деса бўладими?.." Бу саволга жавобни эса ҳаётнинг ўзи акс эттириб турибди. Истиқлол шарофати билан эъзоз топаётган қадриятларимиз қаторида адабиётга, маънавиятимизга, илму маърифат хазинасига муносиб улуш қўшган сиймоларнинг муборак номлари ҳам мангуликка дахлдор бўлаётгани кўнгилларга таскин беради.

> "Осмонда нечта юлдуз бўлса — маънавиятимиз хазинасида мангу нур таратишга арзигулик шунча китоб бўлишини орзу қиламан, — деганди бир куни Оқилжон ака ўзаро суҳбат чоғида. - Шундай умид билан янги саргузашт қиссамни "Осмон тўла юлдузлар" деб номладим..."

1998 йилда "Қатортол-Камолот" нашриёти томонидан чоп этилган ушбу асарда мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш жараёни ва бу доримон кунлар орзуси ила курашган фидойи инсонлар сиймоси ҳақида ҳикоя қилинган. Китобга ҳаммуаллиф сифатида сўнгги сўз ёзишган профессор Карим Норматов ва ёзувчи Ҳожиакбар Шайховнинг қуйидаги сатрлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди: "Муаллиф ўйлаган мақсадга — тарихимиздаги чиркинликларни рўй-рост очиб беришга, халқимизнинг кўп йиллар давомида мустақилликка эришиш йўлидаги кураш ва орзуларини, истиқлолнинг истиқболини тасвирлашга ишонарли тарзда хизмат қилган..."

Умр бўйи эзгулик ила қалам тебратган адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Оқилжон Ҳусандан ўзига хос юлдуз янглиғ ижодий мерос қолди. Бу билан у ўз орзулари камолот чўққисини забт этиб кетди...

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## Воқеа арафасида

# Онкологлар маслаҳатлашишади

Ҳозирги кунда аёллар орасида сут бези саратони билан хасталаниш нафақат дунё бўйича, балки Ўзбекистонда ҳам ортиб бормоқда. Шу сабабли 18-19 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика Онкология илмий маркази томонидан Тошкент шаҳрида ўтказиладиган хорижий мутахассислар иштирокидаги илмий-амалий конференция ушбу муаммоларга бағишланади.

Конференция давомида сут бези саратонининг эпидемиологияси, эрта ташхисоти, комплекс даволаш, даволашдан кейинги даврдаги беморлар реабилитацияси каби масалаларни кенг муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Анжуман ишида иштирок этиш учун нафақат республикамизнинг онколог - маммологлари, балки Москва, Санкт-Петербург, Челябинск ва Қозон шаҳарларидан шу соҳадаги етук мутахассислар ҳам таклиф этилган бўлиб, улар ўз илмий маърузалари билан қатнашадилар. Шунингдек, конференцияда қўшни республикалар — Туркманистон, Қозоғистон ва Тожикистондан ҳам олимлар иштирок этадилар.

Ўйлаймизки, ўтказилажак конференция келажакдаги илмий-амалий йўналишларни аниқ белгилаб олишимизда муҳим аҳамият касб этади.

**А.ХЎЖАЕВ,**
**республика онкологлар илмий маркази бўлим раҳбари, профессор.**

## Аҳоли осойишталигини ўйлаб

# Мискинда бир маскан борки...

Одатда ички ишлар бўлими ёки унинг таянч манзилларига фуқаролар расмий равишда чақириладилар. Қолаверса, кўп ҳолларда бундай «таклиф»лар муайян ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлишига ўрганиб қолганмиз. Мискин қишлоғидаги милиция таняч манзилига эса фуқаролар, ёшлар ўз хоҳиши билан тез-тез келиб турадилар.

Бунинг боиси нимада? Гап шундаки, туман ички ишлар бўлими шу ердаги ширкат хўжалиги раҳбарлари, жамоатчилик кўмагида қишлоқдаги милиция таянч манзилининг янги, хушбичим, барча қулайликларга эга биносини қуриб олди. Бинога кирсангиз, у ердаги орасталик, файз Оврўпонинг минимаркетларини эслатади. Энг асосийси эса унинг катта бир хонаси спорт машғулотлари учун ажратилган. Қишлоқ ёшларининг катта қисми бу ерда спортнинг муайян турлари билан шуғулланишмоқда.

— Ана шундай таянч манзилларининг замонавий биноларини 18 та аҳоли пунктида барпо этамиз, — дейди Тўрткўл туман ички ишлар бўлими бошлиғи Икромбек Сержонов. — Биринчи навбатда Мискин қишлоғига эътибор берганимизнинг боиси шундаки у туман марказидан 36 километр олисда жойлашган. Зарурат сезилганда фуқароларнинг ички ишлар бўлимига бориб келишига бир кун вақт кетади. Иккинчидан, бу ерда мамлакатимиз янги темир йўл йўналишининг катта бекати жойлашган. Учинчидан, милиция таянч пунктини аҳолининг ишонч билан борадиган масканига айлантирмоқчимиз. Айнан шу таянч манзилида кураш бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Ш.Рашидов номидаги, «Шўрахон», «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларидаги масканлар ҳам худди шундай. Уларни профилактика пунктлари деб атадик!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САВОЛ БИЗДАН...

**Қуйидаги нақлни давом эттиринг: Наврўздан сўнг қиш бўлмас,...**

**136-35-60**

**Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:** Ўрта Осиёда биринчи С.И.Лихотиннинг хусусий босмахонаси 1883 йилда Тошкентда очилган.




# Сув остида омбор

*Япониядаги Сива кўли йил давомида ҳарорати ўзгармайдиган муздек суви билан машҳурдир. Мутахассислар кўл тубида гуруч сақлаш учун омбор қуришга қарор қилишди. Уларнинг фикрича, пластик қопларга солинган гуруч кўл тубида уч йилгача бузилмай сақланар экан.*


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* —

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 376, 34017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **И. ХУДОЁРОВ.**
Навбатчи — **Ҳ. КАРИМОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **О. АБДУАЗИМОВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.30*
1 2 3 4 5 6



**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«АСАКА» банк**

*СИЗЛАР УЧУН*

**БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРГА ҚЎЙИШ ИМКОНИЯТИНИ ҚУЙИДАГИ ШАРТЛАР АСОСИДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

*Депозит ва жамғарма сертификати муомалага нақд (бланка) шаклда чиқарилган.*
*"АСАКА" банки даромад ва омонат суммасини ўз вақтида тўланиши бўйича кафолат беради. Сертификатларни муддатидан олдин тўлаш имконияти ҳам кўзда тутилган.*
*"АСАКА" банк депозит ва жамғарма сертификатларини муомалага чиқариш ва тўлаш шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни сиз "АСАКА" банк бош офиси ва унинг ҳудудий филиалларида бевосита олишингиз мумкин.*

Шу билан бирга, "АСАКА" банкининг бошқа вилоят филиалларидан ҳам сертификатларни сотиб олишингиз мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

| Сертификат муомаласи муддати | Фоиз (йиллик) ставкаси |
|---|---|
| 9 ойга | 25% |
| 6 ойга | 24% |
| 3 ойга | 22% |
| 1 ойга | 20% |

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН

| Сертификат муомаласи муддати | Фоиз (йиллик) ставкаси |
|---|---|
| 6 ойга | 40% |
| 3 ойга | 36% |

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА БАНК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЕЛЕФОНЛАРИ.**

Бош офис: Тошкент ш., Нукус к., 67-уй, телефон: 120-82-26.
Тошкент шаҳар бўлими: Тошкент ш., А.Қаҳҳор к., 73-уй, телефон: 120-83-73.
Автотранспорт филиали: Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб к., 14-уй, телефон: 120-81-97.
Тошкент вилояти филиали: Тошкент ш., И.Оқилов к., 40-уй, телефон: 120-84-08.
Юнусобод филиали: Тошкент ш., Чимкент тракти, 79-уй, телефон: 125-11-06.
Сирғали филиали: Тошкент ш., Массон к., 39-уй, телефон: 57-87-55.
Шайхонтоҳур филиали: Тошкент ш., Навоий к., 18-уй, телефон: 120-84-31.

5565



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг

**"Ўрта Осиё Транс"**

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**2002 йил 17 апрелдан халқаро юк ташиш бўйича ҳайдовчи-экспедиторлар лавозимлари бўш ўринларига танлов эълон қилади.**

*Талаблар:*
- 30-40 ёш бўлиш;
- халқаро юк ташиш бўйича сертификатга эга бўлиш;
- «С» ва «Е» категория бўлиши;
- оғир юкларни ташийдиган автомашиналарда камида 5 йил иш тажрибасига эга бўлиш;
- охирги иш жойидан тавсифнома.



**Аризалар «Ўрта Осиё транс» давлат акциядорлик компаниясининг кадрлар бўлимида 2002 йил 5 майгача қабул қилинади.**

**Манзилимиз:** Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 75-уй, автосалон.

5615/737

**Телефонлар: 68-76-34, 68-92-74.**



**«Ўзозиқовқаттаъминот» давлат акциядорлик компаниясининг қайта тузилиши муносабати билан аввал муомалага чиқарилган оддий номи ёзилган номинали 289,4 минг сўмдан бўлган 20 минг дона жами 5788 млн. сўмлик акциялар бекор қилинади.**


Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплекси жамоаси Композицион материаллар кимёси ва технологияси лабораторияси мудири, химия фанлари нозоди Мухиба Бобохоновага онаси **ЗАМИРА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Ахборот» дирекциясининг Фарғона вилояти бўйича тасвирчиси **Бахтиёр ҚОДИРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекбирлашув» бошқаруви ва жамоаси Жиззах вилояти «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси раиси Саидбаҳром Саидаҳмедовга укаси **Бахтиёржон ПОРСАНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.